# Ш А Р Т Н О М А № 8

Андижон шахри «04» 07 2022 йил

Ўз низомига асосан фаолият юритувчи **«Gavhar Golden Tex» МЧЖ** бундан буён ***"Сотувчи"*** деб юритилади, унинг номидан рахбари **Г.Аскарова** бир томондан, **Андижон вилояти ички ишлар бошкармаси** бундан буён ***"Харидор"*** деб юритилади, унинг номидан рахбари **А.Т.Рахматуллаев** иккинчи томондан куйидаги мазмунда шартнома туздик:

## 1. Шартнома мазмуни ва суммаси.

1.1.«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги молларни етказиб беради. «Харидор» эса ушбу молларни кабул килиб олиб хисоб китоб килади.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий киймати ККС сиз (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сетка девор (еврозабор) 2х2.5м | дона | 12 | 495 000.0 | 5 940 000.0 |
| | **Ж А М И:** | | | | **5 940 000.0** |

**1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 5 940 000.0 ( Беш миллион тўккиз юз кирк минг) ККС сиз сўмни ташкил этади.**

## 2. Хисоб-китоб тартиби.

2.1. Хисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома худудий ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, кучга киргандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % олдиндан аванс тарикасида "Сотувчи"нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.3. Колган охирги 70 % "Сотувчи" томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб- варак фактуралари асосида 90 кун ичида ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва нархларда махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

## 3. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.

3.1. Томонлар бошка томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Сотувчи» хукуклари ва мажбуриятлари:

-Берилган буюртмага мувофик етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини талаб килиш хукукига эга.

-Агар "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Сотувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйган бўлса, "Харидор"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Харидор» хукуклари ва мажбуриятлари:

-Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Харидор" ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини копланишини талаб килишга;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини "Сотувчи"дан талаб килиш хукукига эга.

ANDIJON VILOYATI IIB
TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH GURUHI
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
«04» 2022 yil № 227

Сканировано с CamScanner

## 4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. "Товар (махсулот)"ни белгиланган вактда етказиб бермаганлиги учун "Сотувчи" "Харидор"га ўтиб кетган муддатнинг хар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг кийматидан 0.1 % микдорида, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган микдорида жарима тўлайди.

4.2. "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун "Харидор"га белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилиши керак бўлган "Товар (махсулот)"нинг 20 % микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари "Харидор"га "Товар (махсулот)"ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик нетказиб берилмаган такдирда "Сотувчи" "Харидор"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган кисмининг 0.5% микдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (махсулот)" кийматининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун ўз вактида хак тўланмаганда "Харидор" "Сотувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

## 5. Низоларни хал этиш тартиблари

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан хал килинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан хал килинади.

## 6. Коррупцияга карши шартлар

6.1. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боглик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йўл кўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда килинмагани, шунингдек, моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириш мумкинлиги хакида таассурот колдирилмаганини) кафолатлайди;

6.2. Коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки тахдид килиш холати бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор килиши шарт.

6.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хакида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

6.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб килинган шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга хамда зарарни коплаб беришни талаб килишга хакли бўлади.

## 7. Форс – мажор.

7.1. Томонларга боглик бўлмаган холатлар «ёнгин, сув тошкини, шу каби бошка холатларда хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдикланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

ANDIJON VILOYATI ...
TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH ...
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
июль «04» 2022 yil № 227
Бобиров

Сканировано с CamScanner

**8. Бошқа шартлар.**

8.1. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган хамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган такдирда хисобга олинади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.

**9. Шартнома муддати.**

9.1. Шартнома томонлар имзолаган ва худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб **31 декабрь 2022йилгача** амал килади.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жиҳатдан тенг кучли хисобланади.

**10. Юридик манзили:**

| **"СОТУВЧИ"** | **"ХАРИДОР"** |
|---|---|
| "Gavhar Golden Tex" МЧЖ | Андижон вилояти ИИБ |
| Олтинкўл туман Чаккон-2 МСГ. Маърифат кўчаси 398 уй. | ANDIJON VILOYATI IIB<br>ANDIJON SH., A.NAVOIY KO'CHA 26-UY TEL:<br>STIR:200237584 |
| Х/Р 20208000905515421001 | ShH/V: 401010860034017031101179001 |
| ДАТ "Ўзмиллий банк" Андижон бўлими | O'ZB.RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI<br>H/R: 23402000300100001010 |
| МФО: 00074 ИНН: 309461931 | MARKAZIY BANK BB HKKM TOSHKENT SHAHRI<br>MFO:00014 G'AZNA STIR:201122919 |
| XXTUT: | |
| **Рахбар:** ______ **Аскарова** | **Рахбар:** ______ **А.Т.Рахматуллаев** |
| *М.Ў.* | |

*Юрист хулосаси:* Шартнома Ўзбекистон Республикасининг **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги** Қонуни хамда Фукаролик Кодекси талабларига мувофик тузилган деб хисобланади.

ANDIJON VILOYATI IIB
TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH GURUHI.
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
июль «04» 2022 yil № 227
Б.Собиров.

Сканировано с CamScanner